

АЗА-МОТАМ, ДИНИЙ-ЭЪТИҚОДИЙ ВА ДАВОЛАШ МАРОСИМЛАРИНИНГ УЙЎУР ХАЛҚИ МУСИҚАСИДА ТУТГАН ЎРНИ.

Гулчехра Каримова

Ю.Ражабий номидаги ЎММСИ

PhD 3-босқич мустақил изланувчиси

pupsilgulya@gmail.com

Аннотация

Маълумки, уйғур фольклори, хусусан маросим қўшиқлари қадимдан уйғур халқи ҳаётида турмуш таркибини ташкил этиб келган. У бевосита аҳолининг турмуш тарзи ҳамда меҳнат турлари билан алоқадорликда юзага келган ва ана шу меҳнат, мавсумий, оилавий ва диний-эътиқодий жараёнларини мадҳ этишга бағишланган бўлиб, узоқ ўтмишнинг бебаҳо маънавий обидалари сифатида тасаввур беради. Маросимларнинг жанр жиҳатидан таснифланиши ҳамда мавсумий маросимнинг гузига хослигини ажратиб ўтиш мазкур мақоланинг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Зеро аждодлар маънавиятини англашга ва маданий меросини тиклашга биз авлодларнинг қўшган хиссамиз чинакам ватанпарварлик бурчимиздир.

Калит сўзлар: маросим, қўшиқ, муסיқа, жанр, нахшо.

Аннотация

Известно, что уйгурский фольклор, особенно обрядовые песни, издревле считались частью жизни уйгурского народа. Они напрямую связаны с образом жизни и видами труда населения и посвящены прославлению этих трудовых, календарных, семейных и религиозных процессов, представляя их как бесценные духовные памятники из далекого прошлого. Основная задача этой статьи – классифицировать обряды по жанрам и выделить специфику календарных обрядов. Потому что наш вклад в понимание духовности наших предков и восстановление их культурного наследия является нашим истинным патриотическим долгом.

Ключевые слова: обряд, песня, музыка, жанр

THE PLACE OF MOURNING, RELIGIOUS AND HEALING CEREMONIES IN UIGUR MUSIC.

Gulchehra Karimova

YMRSI named after Y. Rajabi

PhD is a 3-step independent researcher

pupsilgulya@gmail.com

Abstract

It is known that Uyghur folklore, especially ceremonial songs, has long been an integral part of life of the Uyghur people. It reflects the lifestyle and occupational specifics

of the population and is dedicated to the glorification of labor, seasonal, family and religious processes, depicting them as priceless spiritual symbols of the distant past. The main task of this article is to classify the ceremonies by genre and to have a closer look at the specifics of seasonal ceremonies. Our contribution to better understanding of the spirituality of our ancestors and restoration of their cultural heritage is our true patriotic duty.

Keywords: ceremony, song, music, genre, nahsho.

Уйғур халқининг маданий меросида маросимлар асрий анъаналар таъсирида шаклланган ва мавсумий (гул сайллари, “Норуз” [1]), оилавий (Никоҳ, бешик, суннат туйлари, аза-мотам маросилари), диний (“рамазан”, диний-даволаш) маросилар турларига бўлинади.

Уйғурларнинг маиший ҳаётида ислом билан бир қаторда исломгача эътиқоднинг қолдиқлари сақланиб қолган. Бунинг маълум қисми “роза ҳейити” (рамазон ҳайити), “қурбан ҳейити” (қурбон ҳайити) ва айниқса “Норуз” (Наврўз) байрамларининг нишонланишида кузатилади. Норуз одатда март ойида нишонланиб, катта “сэйлэ” (сайл) уюштирилган. Етти уруғ ва қўйнинг қалласи тайёрланиб, улардан турли таомлар пиширилган. Бунинг ҳаммаси Норуз айёмида истеъмол қилиниб, қолдиқларини эса кечасига сувга солишган. Азондан етти салом суви номланмиш шу сувни ичиб, бир-бирларига соғлиқ тилашган.

Хусусан, аввало ўзининг қимматли аҳамиятини кўрсатувчи, асосий манбаликка намуна сифатида Р.С.Абдуллаевнинг “Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии” китобида [2] Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари (қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, уйғур) маданияти хусусида маросимлар мавсумий, оилавий ва эътиқодий таснифланиши бўйича, тарихий ёритилиши, жанр таркиби ва энг муҳими, мусиқа билан алоқадорлиги даражалари тадқиқ этилиб, мазкур китоб ушбу мақоладаги уйғур маросим қўшиқларининг жанр жиҳатидан таснифланиши қоидаларини белгилаб берган, ҳамда мақолада кейинчалик уйғур халқи аза-мотам қўшиқлари намуналарини таҳлил этишда Р.С.Абдуллаевнинг тажрибалари тиянч қилиб олинган.

Аза-мотам ва дафн маросими қўшиқлари уйғур қўшиқларининг бой жанрли гуруҳини ташкил этади. Уларнинг келиб чиқиши ибтидоий даврларга бориб тақалади. Касбий йиғичилар санъати мусиқий фольклорнинг бу турини анча бойитган. Мотам қўшиқлари ва йиғилардан ташқари уйғурларда ўлимдан хабар берувчи қўшиқлар ҳам мавжуд бўлган. Мусиқий муносабатда мотам маросими қўшиқлари икки қатламга бўлинади: халқ айтими йўллари ладо-интонацион жиҳатдан нисбатан соддароқ; касбий йиғичиларнинг қўшиқлари мураккаб ва ривожланган.

Уйғур халқида “йиғисиз – аза-мотам йуқ, мусиқасиз – тўй-тантана йуқ”, деган доно нақл бор. Уйғурлар анъанасида вафот этганларни аёллар билан бир қаторда (одатда вафот этганнинг уйида) эркаклар ҳам йиғи билан кузатади (ҳовлида, мозорга кетаётиб). Ўтмишда эса махсус йиғичилар ҳам мавжуд бўлган [3].

Аза-мотам йиғиларидан ташқари, уйғурларда ўлим ҳақида хабар берувчи махсус нахшолар ҳам бўлган. Жумладан, халқ хотирасида “Олум хэвири” нахшоси сақланган. Унда яқин қариндошлар ўғлининг бевақт ўлими ҳақида онасига етказди. Вафот этган инсон поэтик метафоралар орқали йиқилган гўзал чинор ёки тўкилиб кетган дур билан қиёсланади. Матн асосида тўрт мисра шеър бўлиб,

ҳар бир мисра, банд якунида нақорот мавжуд:

Зилва терек орулсэ, балам, балам,

Йэливалаламай кэч калдук, балам, балам.

Унчешаржан чечилса, балам, балам,

Теривалаламай кэч калдук, балам, балам.

А, балам, балам, балам, балам,

Бизни ташлап кэткэн, женим балам, балам.

Қўшиқнинг қуй асосини ғамгин, равон пастга томон йўналтирилган кичик терция интервалидаги ва доимий қайтарилувчан оҳанг ташкил этади. Нақорот бошидаги пастга томон йўналтирилган квартали сакраш дардли ҳайқириб сифатида қабул қилинади. Қуй товушқатори – IV пасайтирилган поғонали камнамо локрий лади.

Аза-мотам йиғиларининг асосида прозаик мант туради. Шунинг учун ҳам уларнинг мусиқий тузилмаси бадихагўйлик-айтим хусусияти билан ажралиб туради. Махсус йиғичи (халқ йўлида ва касбий) томонидан ижро этилган икки хил айтими мисол қилиб келтириш мумкин. Иккаласининг ҳам мазмуни – вафот этган ўғли учун онасининг йиғиси. Биринчи йиғи – “Ай, балам” – халқ йўлида, ифодавий жиҳатидан соддалик ва лўндалик билан ажралиб туради. Бутун матн ёш вафот этган ўғил Хашир-охунга мурожаат ва қиёсламалардан ташкил топган:

Ай, балам, балам, балам,

Ай, Ҳашираҳун балам.

Ай, эқилли балам, балам,

Ай, шох балам, балам.

Балам, балам, балам, Ой!

Йиғининг ҳам бир мисраси “балам, балам” сўзларининг такрори билан якунланади (8-10 марта). Натижада олти тактдан иборат икки мусиқали тузилма вужудга келади. Ҳар бирида бир турдаги ғамгин ҳайқириқ - “ай!” мавжуд. Қуйнинг лад тузилмасини икки баландликка эга IV поғонали мажорсимон товушқатор ташкил этади.

Мусиқаси ва матни жиҳатидан касбий йиғичининг вафот этган ўғилга бағишланган “Латин, балам” қўшиғи анча кенгроқ:

Ва-нэй! Ва-нэй, балама, вай, балам!

Ачқан қосақлар тойдиғу, житлиқ,

Энглиқлар путтиғу, Латинима...

Менинг атангниқ беш балиси бағу, Латинима...

Мени унтапқалди демсэн, унтимамаймен,

Унтимамайман, Зэйтун билэн тилла унса...

Бешингға бир қэвир қилай дэймэн-мэн, вай балам,

Вай, балам, вай, балам, вай, балам, вай, балам!

Қосуғунг ечип кетиведиме кинтанг, вай, балам, вай, балам!

Тағнинг бешиға чиқивелип, калларни ҳэйдайму, дегэн

Кунларни унтиймэнму, вай, балам, вай, балам!

Мазкур йиғининг мусиқий тили ва жанр хусусиятлари ғамгин ҳайқириқларда акс этилган. Метрик хусусияти ўзига хос, шунингдек синкопалар ва пунктир ритм қўшиқ ритмига мотамлик ифодасини берган.

Аза-мотам йиғиларига характер томонидан дафн маросими қўшиқлари яқиндир. Уларнинг матнлари қатъий ва мунтазам тузилишга эга. Яъни поэтик шеър мавжуд. Бу ердан мусиқий шаклнинг аниқлиги келиб чиқади. Агар йиғиларга айтими тузилма хос бўлса, дафн маросими қўшиқлари лирик қўшиқларга

яқинлашган. Касбий йиғичилар ижро этган дафн маросими қўшиқларининг ёрқин мисоли сифатида “Анам, анам” қўшиғини келтириш мумкин. Қўшиқнинг кенг, “очиқ берилган” матни айниқса қимматлидир. У ўғил томонидан ижро этилади. Дафн маросимининг батафсил баён этилиши билан бирга, унда суюкли волиданинг вафоти дарди ёрқин ифодаланган. Бу, ҳусусан, ҳар бир байтдан сўнг келадиган, онасига мурожаат этилган ифодавий ва турфа хил мақтовларда кўринади:

Анам соқратқа чушкендэ, анам, анам, анамэй.

Ухлап қапту дэптимен, анам, анам, анамэй.

Ах, ғерибим, анам, анам, анамэй...

Мазкур дафн маросими қўшиқларининг муסיқий тузилиши ҳар бир мисрадаги нақоротли, ярим бўғинли икки қисмли шаклни ташкил этади.

Шундай қилиб, келтирилган мисолларда кўринишича, уйғур халқининг азамотам ва дафн маросимлари қўшиқларига қуйидагилар хос: йиғиларда прозаик матн ва айтим йўллари, дафн маросими қўшиқларида – шеърий матн ва кенг оҳангли куй; куйларнинг кичик диапозони (квинта); нақорот-мурожаатларнинг кўплиги; лад нотурғунлиги ва нақоротли ярим-бўғинли шакл (онанинг “Латин, балам” қўшиғи қоидадан истесно).

Қадимий шаманликнинг бизгача етиб келган кўринишлари – исломгача эътиқоднинг айрим қисмлари – уйғурларда бахшилар ёки пәриханларнинг диний-даволаш қўшиқларида сақланиб қолган. Бахшилар турли касалларнинг сабабларини жин ва пәрилар ҳаракати билан асослаган ва шунинг учун касалларни афсунгарлик қўшиқлари билан «даволаган». Шуниси қизикки, қадимий даволаш қўшиқларининг мантлари Қуръондаги мантлар билан, кейинчалик эса турли жанрдаги нахшолар матнлари билан алмашинган. Уйғур бахшиларининг сеҳрловчи қўшиқлари бир неча катта муסיқий туркумларга умумлашган. Ҳар бир туркум (ойюн)га маълум «даволовчи» ҳаракатлар бириктирилган.

Бундан ташқари, диний қўшиқлар ҳам уйғур халқи ҳаётида мустаҳкам ўрин олган. Улар шартли равишда 4-турга бўлинади [4]:

1. “Барат кэлди”
2. “Рамзан эйтиш”
3. “Норуз” қўшиқлари
4. “Қэлендэр қўшиғи”

Бинобарин, Норуз қўшиқларини биз мавсумий қўшиқлар таснифига кириттик. Бунга сабаб, бу маросимнинг уйғурларда, қолаверса бутун Марказий Осиёда исломгача кенг тарқалганлигидир.

Шу билан бирга уйғур халқида дин билан боглиқ эътиқодий маросим қўшиқлари (айтим йўллари) ҳам мавжудлиги исботланди.

Уйғурларнинг ватани Шарқий Туркистонда олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида топилган қимматли манбалар, аждодларимиз яратган бой ва сермазмун маданий бойликлар ёзма адабиёт намуналари, халқ оғзаки ижодиёти намуналари, турли ривоятлар ва бошқа турли манбалар бу диёрда энг қадимий даврлардан бошлаб, моддий ва маънавий ҳаётнинг пайдо бўлганлиги ва унинг ўзига хос юксак ривожга эга бўлганидан далолат беради. Айниқса қадимий Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан туташтирувчи Буюк Ипак йўлининг ушбу ҳудудда бир қанча тармоқларда ўтиши, Ўрта ер, Ҳинд, Юнон ва Месопотамия маданиятларининг бир-бири билан учрашуви, христиан ва ислом

динларининг ҳам ўзаро таъсири натижасида, бу диёр дунёнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлиб қолган эди [5].

Уйғурлар Х асрдан бошлаб ислом динини қабул қилишга бошлаган туркий халқларнинг биридир. Тарихчи Тургун Алмаснинг ёзишича, Ўрта асрдан бошлаб Қашқарга келган Абу Наср Сомонийнинг даъват қилишича, Қорахонийлар хоқони Султон Буғрихон биринчи бўлиб 920-йилда ислом динини қабул қилган ва ўз исмини Абдукарим Буғрихон деб ўзгартирган. Шундан сўнг ислом дини икки асрда яқин вақт ичида бутун уйғурлар диёрида тарқалиб бўлган [6].

Ислом дини уйғурларга сингиш билан ўзига хос ислом маданияти, жумладан дин урф-одатлари маросимлари шаклланиб, ривожланган. Ана шулар орасида улуғ рамазон ойида бўладиган **“Рамзан эйтиш”** маросими алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, ислом динида рамазон ойи ўн икки ой ичида энг улуғ ва саховатли ой деб ҳисобланади, бу ойда барокат ва меҳр-шавқат эшиклари кенг очилади.

Бир ойи давомида ифторлик вақти ҳақида хабар берувчи **“Эзен қишқиритиш”**, ифтордан кейин **“рамзан эйтиш”** ва рўзадоларни сафари пайтида **“зога огириш”** каби маросимлари мавжуд бўлиб, ўзига хос мусиқий оҳанглар билан ижро этилиб, рамазоннинг мунтазам анъаналарига айланган.

“Рамзан эйтиш” маросимида ёш болалар ёки бир гуруҳ кишилар қатнашади, уларни халқ орасида **РАМЗАНЧИЛАР** деб атайдилар. Қўшиқ намуналари эса **“рамзан нахшолари”** (қўшиқлари) деб номланади. Агар ёш болалар уйма-уй юриб **“рамзан эйтса”**, катта ёшдаги касбий рамазончилар расмий тайёрланган ҳолда **“пануслар”** (патнис) кўтариб, дарвозалар олдида келиб рамазон айтишган. Улар ижро этган рамазон матнлари кўп ва тўлиқ бўлиши билан ажралади:

Эссаламў элэйкум ятка байлар

Худадин пэрманига паткат байлар

Кайтарма: рамазон алла мушэри рамазон

хуш мубарэк кэлдилэр шур рамазон

Бу роза оттуз икэн мепман икэн

Розини тутмиганлар пайван икэн

Кайтарма: рамазон алла мушэри рамазон

хуш мубарэк кэлдилэр шур рамазон

Ишигиннин алдида ай куринур

Пэммидин ушбу уй бай куринур

Кайтарма: рамазон алла мушэри рамазон

хуш мубарэк кэлдилэр шур рамазон

Мэккидэ бир ягач бар баши кара

Худайм огул бэрсун каши кара

Кайтарма: рамазон алла мушэри рамазон

хуш мубарэк кэлдилэр шур рамазон

“Рамзан эйтиш” маросими бошқа маросимлар сингари локал хусуситларга эга бўлиб, ҳар бир воҳада маълум даражада ўзининг ижро анъаналарига эга.

Юқоридаги далиллар ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда уйғур халқининг аза-мотам ва диний-эътиқодий маросимлари қўшиқлари ҳақида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Уйғур халқ маросимларининг муайян йўналишлари, демакки МАВСУМИЙ, ОИЛАВИЙ, ДИНИЙ-ЭЪТИҚОДИЙ ҳамда МАШРАП маросимлари таснифланди;
2. Уйғур халқининг аза-мотам ва дафн маросимлари нахшоларига қуйидагилар хос: йиғиларда прозаик матн ва айтим йўллари, дафн маросими нахшоларида – шеърий матн ва кенг оҳангли куй; куйларнинг кичик диапозони (квинта); нақорот-мурожаатларнинг кўплиги; лад нотурғунлиги ва нақоротли ярим-бўғинли шакл;
3. Уйғур халқ маросим нахшоларининг халқ ҳаётида гавдаланишида маиший ҳаёт ва турмуш тарзининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Замонавий услубда янгича садоланишга таяниши ва бунга хос янги ижро услубларини жорий этилиши ушбу жараёнга келажакда айнан шу масалага бағишланган тадқиқий ишларни талаб этади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ушбу мақолада атамалар ўзининг оригинал (уйғур) тилида берилмоқда.
2. Абдуллаев Р.С. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. Ташкент 2006.
3. Труды экспедиции Императорского Русского Географического общества по Центральной Азии с 1893-19895 гг. под руководством В.И.Робовского. СПб., 1900, с. 565
4. Н.Н.Пантусов. Тарантические песни. 1890.
5. А.Уткур. Қумул муқамлари. Халқ мусиқа нашриёти. Пекин, 1994.
6. Т.Алмас. Қэдими уйғур эдэбияти. Қашқар, 1991, 221 б.